



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2012 йил 22 декабрь, № 249 (5669)

Шанба

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21 декабрь куни Оқсаройда Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметовни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон учун Қозоғистон билан ҳамкорлик ҳар доим устувор бўлиб келгани ва шундай бўлиб қолишини таъкидлади. Ўзбекистонда Қозоғистонга вақт синовидан ўтган ишончли ҳамкор ва яқин қўшни мамлакат сифатида қаралади.

Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи давомида Нурсултон Назарбоев билан ўтказилган самарали музокаралар ҳозирги даврдаги деярли барча масалалар юзасидан

томонларнинг позиция ва ёндашувлари ўхшаш ҳамда яқин эканини намойиш қилди.

Икки мамлакат Президенти Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги муносабатлар мамлакатларимизнинг узоқ муддатли стратегик ҳамда миллий устуворликларни умумийлигига қатъий ишонч, шунингдек, давлатларимиз олдида турган кенг қўламли мақсад ва вазифаларни ҳамкорликда ҳал қилишга интилиш асосига қурилгани ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолиши тўғрисида яқдил фикр билдирдилар. Сўнгги йилларда давлатлари-

миз долзарб масалалар бўйича кўп томонлама тузилмалар доирасида бир-бирининг принциплари позицияларини доимий равишда қўллаб-қувватлаши тенденцияси кузатишмоқда.

Мамлакатларимиз минтақада сувдан одилона фойдаланиш тизимини ривожлантириш масаласида келишилган ягона позицияга эга бўлиб, у икки давлат Президентларининг 2012 йил 7 сентябрда имзоланган Қўшма баёнотида мустақамлаб қўйилган. Мазкур ҳужжатда сув энергетикага оид масалаларни, жумладан, трансчегаравий дарёларда янги гидротехник

иншоотлар қуриш масаласини БМТ конвенциялари ва минтақадаги барча давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, албатта халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш орқали ҳал этиш кўзда тутилган. Қозоғистон Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан биридир. Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва барқарор ривожланмоқда. 2011 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 47 фоиз ўсган ва 2,8 миллиард АҚШ долларига етган. 2012 йилнинг ўн ойида ушбу кўрсаткич 2,3 мил-

лиард долларни ташкил қилди. Серик Ахметов самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Ислам Каримовга чукор миннатдорлик изҳор этди ва Қозоғистон барча соҳаларда Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада ривожлантиришдан гоят манфаатдор эканини таъкидлади. Учрашувда мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлиги ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).
Сарвар ўрмончи
олган суратлар.

Мамлакатимизда:



Воқеалар,
янгиликлар,
хабарлар

Андижон

Андижон шаҳрининг Амир Темур шоҳқўчасида савдо ва умумий овқатланиш мажмуаси барпо этилди.

Муҳташам мажмуа

Мазкур кошонани бунёд этиш учун 3 миллиард 200 миллион сўм сарфланди. Унинг биринчи ва иккинчи қаватида мижозлар овқатланиб, хордиқ чиқариши, савдо дўконлари хизматидан фойдаланиши мумкин. Бу ерда харидорлар учун барча қулайлик ва шароитлар яратилган. Учинчи қаватда эса маҳаллий хунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек, Андижон тарихини акс эттирувчи буюмлар, зардўзлик ва заргарлик ашё-

лари кўргазмалари ўрин олган. — Шаҳримиз инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда аҳолига қулайлик яратиш мақсадида мазкур лойиҳани рўйга чиқардик, — дейди тадбиркор Шавкатбек Шўхратбеков. — Халқимиз турмуш фаровонлигига хизмат қилувчи мажмуамиз фойдаланишга топширилиши билан ўнлаб иш ўринлари яратилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Фарғона

Бешариқ тўқимачилик фабрикаси «Бешариқтекстиль» ОАЖ Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонасига айлантирилган, бу ерда ишлар юришиб кетди.

Спорт кийимлари — экспортга

Корхонага Германия, Жанубий Корея, Япония сингари мамлакатлардан тўқимачилик, тикиш-бичиш, бўйш, даэмолаш дастхоналари келтириб ўрнатилди. Бу каби янгиликлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бера бошлади. «Бешариқтекстиль» ички бозорда ўз ўрнини топиши баробарида, хорижий ҳамкорлар эътирофига ҳам сазовор бўлмоқда. Хусусан, бу ерда тайёрланаётган спорт кийимларининг учдан бир қисми экспортга йўналтириляпти.

850 киши меҳнат қилаётган «Бешариқтекстиль»да шу йилнинг ўтган даврида 2 миллион дона кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Самарқанд

Каттақўрғон туманида низоом жамғармаси 1 миллион 319 минг АҚШ долларига тенг бўлган «Aljeil» қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Қулай ва экологик тоза

Чет эллик сармоядорлар иштирокида ташкил этилган мазкур ишлаб чиқариш субъектида махсус технология ёрдамида фойдаланишга яроқсиз кўмир қуқун қайта ишланиб, ундан брикет тайёрлаш йўлга қўйилди. Эътиборлиси, ушбу маҳсулот қулай ва арзонлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, у тўлиқ ёниб бўлган, деярли чиқинди қолмайди.

Айни пайтда 100 киши меҳнат қилаётган корхонада соатига 10 тонна маҳсулот тайёрланаётган бўлса, тез орада мазкур кўрсаткич 50 тоннага етказилади. Эндиликда «Aljeil» жамоаси ўз маҳсулотларини экспорт қилиш борасида ҳам изланишлар олиб борапти.

М. ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

Бойсун туманидаги мебель жиҳозлари тайёрлашга ихтисослаштирилган «Жило Файз» хусусий корхонаси эндиликда ўз фаолиятини кенгайтириб, пишк ғишт ҳамда бетон плиталар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Маҳсулот тури кўпайди

Мазкур лойиҳа банк томонидан ажратилган 437,4 миллион сўмлик кредит ҳисобига молиялаштирилди.

— Ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган технологиялар томонидан амалга оширилди, — дейди корхона раҳбари Баҳриддин Маматов. — Бу эса кўп меҳнатини камайтириб, маҳсулот таннари арзонлигини таъминламоқда. Арзон ва сифатли маҳсулотга эса бозорда ҳаммиша хариддор топилади.

Туманда жорий йилнинг ўтган даврида биргина қурилиш материаллари ва мебель ишлаб чиқариш бўйича 14 та лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобига 100 нафардан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Н. ТЕМИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм

Урганч шаҳрида шу йилнинг 9 ойи мобайнида 166,7 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳиссаси катта бўлди.

Илғор технология асосида

Яқинда ташкил этилган «Парнас импекс» масъуляти чекланган жамияти ҳам истеъмол бозорини ўз маҳсулотлари билан тўлдиршига киришти. Лойиҳа қиймати 378 миллион сўмлик мазкур корхонага Германия ва Словакиядан гўшти қайта ишлаш дастхоналари келтириб ўрнатилди.

барига, маҳсулот сифати ҳамда таннари арзонлигини таъминламоқда, — дейди «Парнас импекс» раҳбари Азамат Қурёзов. — Ҳозир 10 кишилик жамоамиз билан аҳолига ойига 14 турдаги 15 тонна қолбаса ва гўшт маҳсулотлари етказиб бераёғимиз.

— Илғор технологияларимиз энергия тежаси баро-

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

● Пойтахтимизда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2012 йил инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва 2013 йилда бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Унда дастур доирасида тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустақамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида атрофлича маълумот берилди.

● Андижон давлат университетидан янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Таълим муассасасининг тарих ва ижтимоий фанлар, педагогика факультетлари жойлашган мазкур бинода талабаларнинг замонавий даражада таъсил олишлари учун барча қулайликлар яратилган.

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида нодир, алоҳида қимматли ва ноёб нашрларнинг сақланишини таъминлаш, уларнинг фондидини бойитиш масалаларига бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Тадбирда ёзма меросимизни аниқлаш ва жамоат мулкига айлантириш, ноёб қўлёзмаларни каталоглаштириш, таъмирлаш ва консервациялашнинг асосий тамойиллари, нодир ҳужжатларни рақамли тизимга ўтказиш, Миллий кутубхонани қимматли манбалар билан бойитиш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Серик Ахметов 21 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев билан учрашди. Сўхбат чоғида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларнинг бугунги аҳоли ва истиқболларига оид масалалар муҳокама қилинди.

Икки мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий, ижтимоий-маданий ва гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил сентябрь ойида Қозоғистонга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги юқори босқичга кўтариш учун имкониятлар яратгани қайд этилди.

Ўзбекистон — Қозоғистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини юздан зиёд ҳужжат ташкил этади. Бу ҳужжатлар орасида эркин савдо, сармояларни ўзаро рағбатланти-

риш ва ҳимоялаш, икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олишга оид битимлар бор. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган.

С. Ахметов Қозоғистонда Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларни кенгайтиришга устувор йўналиш сифатида қаралишини қайд этди. — Ўзбекистон кўлга киритаётган улкан муваффақиятлар бизни гоят қувонтиради, — деди Қозоғистон Республикаси Бош вазири. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни турли соҳаларда, жумладан, иқтисодий йўналишда ривожлантириш борасида мустақам ҳуқуқий асос мавжуд. Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 1998 йилда Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланган.

(Давоми 2-бетда).

Аҳоли турмуш фаровонлигининг муҳим омили

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз томонидан узокни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган тараққиётнинг «Ўзбек модели» мамлакатимизда ҳар қандай, ҳаттоки, молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам ижтимоий-иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтириш имконини бермоқда.

Парламент ҳаёти

Албатта, бунда саноат тармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилган қулай ҳуқуқий-ташқилый шарт-шароит, имтиёз ва преференциялар, жозибадор инвестиция ҳамда ишбилармонлик муҳити муҳим аҳами-

ят касб этаётир. Пиротармоқларини жадал ривожлантиришга қаратилаётган бир қатор истиқболли лойиҳалар ўзининг ёрқин натижаларини бериб келмоқда.

Табиийки, бу борада ушбу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини самарали таъминлаш, чу-

нончи, парламент назорати функцияларидан кенг фойдаланиш алоҳида аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгарилариникига қўшимча қилинган таъкидлар, бу борада ушбу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини самарали таъминлаш, чу-

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция:

Дастур ижроси ва самарадорлик

Президентимиз яқинда бўлиб ўтган халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида таъкидлаганидек, бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ер ва сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш энг долзарб масала бўлиб турибди.

Жараён

Шу босис мамлакатимизда аграр тармоқни модернизация қилиш, хориждан замонавий техникалар келтириш, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш бўйича кўплаб лойиҳалар амалга ошириляпти. Бунинг учун ички манбалардан ташқари, хориж инвестицияси ҳам жалб этилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Бунда, табиийки, давлатимиз раҳбари томонидан 2011 йил 27 декабрда имзоланган «Ўзбекистон Республикаси-

нинг 2012 йил учун инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори муҳим дастурий-амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида ташкил этилган матбуот анжуманида мазкур ҳужжат ижроси юзасидан аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш, унинг самарадорлигини ошириш бўйича кўриляётган чора-тадбирлар ҳақида сўз борди.

(Давоми 2-бетда).

КЕНГ ҚўЛАМЛИ МОДЕРНИЗАЦИЯ НАТИЖАСИ

2012 йилнинг тўққиз ойида йирик саноат корхоналарида маънавий ва жисмоний эскирган

2 мингдан ортик ускуналар замонавийсига алмаштирилди.

Саноат тармоқлари рақобатбардошлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар доирасида бажарилган бундай кенг қўламли модернизациялаш ишлари натижаида технология жараёнларни оқилона ташкил этиш, хом ашё ва материаллар ҳамда энергия ресурсларини тежаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннаригини камайтиришга эришилди.

БИР РАҚАМ
ШАРҲИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш бўйича дастур бажарилишининг боғлиқ бўлиши тўғрисидаги қарар қабул қилинган. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ф. Ибрагимов ахборот берди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан ўтказилган мажлис таъдирда Дастур ижроси чуқур таҳлил этилиб, саноатни ривожлантиришнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Этироф этилганидек, Дастурда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан саноатда умумий қиймати қарийб 50 миллиард доллар бўлган 500 дан зиёд йирик инвестиция лойиҳалари, шу жумладан, геология ҳамда иссиқлик-энергетика комплексларида, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноатини ривожлантиришга 41,8 миллиард доллар бўлган 220 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Булар юртимиз саноати ва иқтисодийнинг рақобатдошлигини оширишга, жаҳон конъюнктурасидаги ўзгаришларга ҳамда тузилма ташкил этувчи тармоқлар ривожланишига боғлиқлигини камайтиришга хизмат қилади.

Парламент эшитишда сиёсий партияларнинг қўйи палатадаги фракциялари аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, қўрилган масала бўйича партия платформасидан келиб чиққан ҳолда, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Дастурга қиритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши саноатни бундан-да ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, соҳа рақобатбардошлигини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш имкониятини кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этишига уруғ берилди.

— Мазкур Дастур ижроси ҳақидаги масаланинг парламент эшитишга олиб чиқилиши бежиз эмас, — деди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати** —

Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси Ф. Зоиров. — Чунки ушбу ҳужжат асосида қилинаётган салмоқли ишлар нафақат шаҳар ва қишлоқларимиз кийимини ўзгартиришда, балки мамлакатимиз иқтисодий-ишчи янги сифат даражасига олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига киришини таъминлашга қаратилган. Шунинг эътиборига олинган ҳолда,

билан аҳамиятлидир, — деди **Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қўйи палатадаги фракцияси аъзоси А. Аҳмедов.** — Жумладан, ушбу муҳим ҳужжат ҳам тегишли ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолатини таъминлашда бажарилишини таҳлил этиш, ўз навбатида, партиямиз ва электоратимизни ўйлантирган масалаларни кўтариш, қўриб чиқиш имконини берувчи наватдаги самарали назорат механизми бўлди. Мазкур ҳужжат асосида саноат соҳаларининг раванқ топти-

дал ва инновацион тараққий топтиришнинг қафолати — янгича фикрловчи, юқори билимли, интеллектуал ривожланган ва профессионал даражадаги малакали ёшлардир. Бу борада олий ўқув юртилари, коллеж ва лицейлар, айниқса, машинасозлик, кимё, биология, алоқа ва телекоммуникация соҳалари бўйича битирувчиларнинг чуқур техник ихтисослашувини таъминлаш зарур. Ушбу вазифани ҳал этиш тадбиркорлик субъектлари ҳамда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари ўртасидаги истиқболли ҳамкорликка бевосита боғлиқ. Пировадда саноатимизнинг техник мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконияти кенгайтириш. Билим масканларининг маҳаллий инжиниринг тажриба-конструкторлик марказлари ва тадқиқот институллари билан яқин алоқаси ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг қўйи палатадаги депутатлари гуруҳи аъзоси Ҳ. Отақулловнинг фикрича, 2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисидаги дастурнинг бажарилиши янги иш ўринларини яратиш, жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Ўз навбатида, соҳада амалга оширилаётган лойиҳаларда экология ва атроф-муҳит муҳофазасига қаратилган 460 дан ортиқ тадбирларга 3,5 миллиард сўмликдан зиёд маблағ сарфлангани фикримизга мисолдир.

Бу борадаги ишлар самардорлигини янада ошириш эса давр талаби саналади. Шунга мос равишда йиғилишда Экоҳаракат депутатлар гуруҳи ўз дастурдан келиб чиққан ҳолда, инвестиция лойиҳаларини амалиётга жорий этишда атроф-муҳитни ҳимоя қилишга оид чора-тадбирларни кўзда тутиш, уларни самарали амалга ошириш бўйича тақлифлар берди. Йиғилиш якунида қўрилган масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

— Мазкур Дастур ижроси ҳақидаги масаланинг парламент эшитишга олиб чиқилиши бежиз эмас, — деди **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати** —

Ҳамкорлик изчил ривожланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ана шу ҳужжат руҳида икки томонлама ҳамкорликни изчил ривожлантиришимиз зарур. Бугунги ўрнанинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро истиқболли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Музокарада икки мамлакат Президентларининг ўрашувларида эришилган келишувларни амалга ошириш жараёни атрофлича таҳлил қилинди. Ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Ўрашув якунида Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлашти-

риш агентлиги билан Қозғоғистон Республикаси Саноат ва янги технологиялар вазирлигининг техник тартибга солиш ва метрология қўмитаси ўртасида Стандартлаштириш, метрология ва мувофиқлиги баҳолаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида англашув меморандуми, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат Республикаси ва Қозғоғистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ўртасида Ишбилармонлик кенгашини тузиш тўғрисида битим имзоланди. Шу кунги юксак мартабали меҳмон пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройини боғиб қўйди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

■ КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

Пойтахтимизда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мазкур агентлиkning Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида, ОАВ соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш, хусусан, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ фаолияти тўғрисида ахборот берилди.

Замонавий ахборот майдони ва қонунчилик

Таъкидланганидек, Концепция ижроси доирасида Матбуот ва ахборот агентлиги зиммасига бир қатор қонун ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси юклатилган бўлиб, ўтган давр мобайнида бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”, “Оммавий ахборот воситалари ва ахборот олиш соҳасидаги айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ҳамда “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишлари якунига етказилди. Айни чоғда бу қонун лойиҳалари турли анжуманларда ҳорихлик ва маҳаллий экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик муҳофазасидан ўтказилди. Шу кунларда эса уларни ривожланган давлатлар тарихида амалга оширилган мувофиқликни ҳимоя қилишга оид чора-тадбирларни кўзда тутиш, уларни самарали амалга ошириш бўйича тақлифлар берди.

Йиғилиш якунида қўрилган масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сайджон МАХСУМОВ.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, қарорга мувофиқ, 2012 йилда соҳада 75,8 миллион АҚШ доллари миқдорда кредит маблағлари ўзлаштирилиб, 9 та лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу республикамиз бўйича 150 минг гектар экин майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув билан барқарор таъминлаш имконини беради.

Инвестиция: Дастур ижроси ва самарадорлик

— Ҳозирги кунда ушбу лойиҳалар доирасидаги ишлар белгиланган муддатларда тулиқ бажарилмоқда, — дейди Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ҳорихий инвестицияларни жалб этиш ва лойиҳалар мониторинги бошқармаси бошлиғи Абдумалик Намозов. — Шу билан бирга, жорий йилда тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 18 та истиқболли инвестициявий лойиҳа ишлаб чиқилди. Улар 2012 — 2017 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида амалга оширилди. Бунинг натижасида 50 дан ортиқ насос станциялари қурилиб, қайта ташмирланади, 100 га яқин экскаватор, 15 га бульдозер, 30 дан зиёд бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари ҳамда ускуналари сотиб олинди. Энг асосийси, лойиҳалар шарофати билан ҳар йили ўртача 100 минг гектардан ортиқ ер майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришилди.

Умумий қиймати 74,5 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “Ўзбекистоннинг дренаж лойиҳаси” шулардан бири бўлиб, у Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий туманларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш имконини берапти. Бу маблагнинг 60 миллион АҚШ доллари Жаҳон банки томонидан молиялаштирилаётгани диққатга сазовор.

Умуман олганда, қишлоқ хўжалигига Жаҳон банки, Осие тараққиёт банки, Ислам тараққиёт банки сингари йирик молия муассасалари ва кўплаб халқаро жамғармалар, шунингдек, Жанубий Корея, Хитой, Франция, Япония каби давлатлардан инвестициялар жалб этилиб, ўнлаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаётди. Бу эса кўтилган натижани бериб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, туپроқ унумдорлигини яхшилаш, сувдан самарали фойдаланиш ва экинлар ҳосилдорлигини ошириш имкониятини яратмоқда. Республикамиз бўйича 2004 — 2012 йиллар ичида галлчиликда ҳосилдорлик 12,4 центнерга, пахтачиликда эса 3 центнерга кўтарилгани бунинг тасдиғидир.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қишлоқ хўжалиги самарадорлигини юксалтиришга, аҳоли турмуши янада обод ва фаровон бўлишига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Сайд РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Енгил саноат: Имконият, рағбат ва юксалиш

Заминимизда етиштирилган пахта толаси сифат кўрсаткичлари бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини банд этиб келади. Бу эса мамлакатимизда енгил саноат тизимини янада ривожлантириш, ички бозорни импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилган муҳим омили бўлмоқда. Ана шу жараёнда пахта қайта ишлашга ҳамда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарнинг ҳиссаси бекиёс.

■ Интилиш



Уларнинг босқичма-босқич модернизация қилиниб, илғор ва тежамкор технологиялар билан таъминланаётгани, фаолияти йилдан-йилга кенгайиб бораётгани юртимиз экспорт салоҳияти юксалишини таъминлаётган. Гулистон шаҳридаги “Milli Guliston tekstiles” Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган калава ип тўлиқ экспортга чиқарилмоқда.

— Утган йили корхонамизда кенг кўламли модернизация ишлари амалга оширилди, — дейди ип йигирув цехи бошлиғи Тўлқин Тошматов. — Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиши баробарида, қарийб 200 та кўшимча иш ўрни яратилди. Ҳозир корхонамизга Хитой, Италия мамлакатларидан келтириб ўрнатилган янги дастгоҳлар 350 нафардан зиёд ишчи-мутахассислар томонидан бажарилмоқда. Уларнинг 50 нафари жорий

йилда касб-хунар коллежларини битириб, жамоамиз сафига қўшилган йигит-қизлардир.

— Корхонада иш бошлаганимга олти ой бўлди, — дейди Гулистон педагогика коллежи битирувчиси Шаҳноза Бозорова. — Ҳозир оператор вазифасида ишляман. Бу ерда меҳнат қилишимиз ва хордик чиқаришимиз учун барча қулайлик яратилган. Бепул тушлик ҳамда транспорт билан таъминланганмиз.

Имконият ва рағбат муваффақиятлар сари йўл очди. Жорий йилнинг 9 ойида корхонада 1903 тонна калава ип ишлаб чиқарилиб, 5 миллион АҚШ долларлик маҳсулот хорихлик бюортмачиларга сотилгани бунга яққол тасдиқланди. Жамоа жорий йили муваффақиятли якунлаб, келгусида калава ипдан импорт ўрнини босувчи ва экспортбон матолар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу эса ана ўнлаб ёшларнинг иш билан таъминланиши, вилотанинг иқтисодий салоҳияти бундан-да юксалишидан далолатдир.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Муаллиф олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси, Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг АХБОРОТ ХАТИ

2013 йил 22-23 январь кунлари Тошкент шаҳрида “Ўзбекистон Республикасида ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари” мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

■ Анжуманнинг мақсади:

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ёшларга оид сиёсатнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, чуқур билимли, жисмонан соғлом, маънан етук — баркамол авлодни вояга етказиш йўлида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, ёшларнинг демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида кенг иштирокини таъминлаш ва ижтимоий фаоллигини оширишнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиш.

■ Анжуманда қуйидаги шўба-лар бўйича иш олиб борилди:
1-шўба: “Ўзбекистонда ёшлар сиёсати: бугунги ҳолати ва истиқболлари”.
2-шўба: “Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқидий ва

■ Анжуман материаллари тўпламига илмий мақолалар учун талаблар:

— илмий мақолалар конференция йўналишларига оид долзарб мавзуларда, илмий таҳлил ва тугалланган фикрлар асосида, тегишли тақлиф ва тавсиялар билан тақдим этилиши лозим;
— тақдим этилаётган илмий мақолалар соҳа бўйича етук мутахассисларнинг қамда битта тақризи билан қабул қилинади;
— анжуман материаллари ўзбек ва рус тилларида тақдим этилиши мумкин;
— илмий мақолалар матнлари таҳрир қилинган ҳолда А4 ҳажмидаги қоғозга, юқоридан ва пастандан 2,5 см., чапдан 3 см., ўнгдан 1 см. жой қолдириб, 1 нусxada расмийлаштирилади. Мақоланинг номи, 1,5 интервалдан сўнг муаллифининг исми ва отасининг исми ҳамда фамилия-

си бош ҳарфларда ёзилади, 1 интервалдан кейин ташкилот ва шаҳар номи кўрсатилади. Сўнгра 1,5 интервал қолдирилиб, матннинг мазмуни 1,5 интервалли қаторларда ёзилади. Матннинг электрон нусхаси MS Word дастурида, Times New Roman шрифтида, 12 кегел катталлигида бўлиши ва 4 бетдан ошмаслиги лозим. Электрон нусхаси диск ёки флешкага ёзилган ҳолда юборилди ёки электрон почтадан жўнатилади.
— муаллиф томонидан анжуманда иштирок этиш учун Ташкилий қўмитага талабнома (фамилия, исми ва шарифи, мақола номи, конференция йўналиши, шўба), ташкилот, лавозими, хизмат манзили, телефон/факс, e-mail) тақдим этилиши лозим.
■ Анжуман Ташкилий қўмитаси илмий мақолаларни таҳрир қилиш ва саралаш ҳуқуқига эга.

■ Анжуман материалларини юбориш манзили:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» жамғармаси Тошкент шаҳри, 100066, Фурқат кўчаси, 171-уй.
Тел: (+99871) 232-61-84; факс: (+99871) 232-60-16.
Электрон почта: konferensiya@inbox.uz

Харидорларга манзур

